

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

УСМАНОВ ШУХРАТ УРАЗАЛИЕВИЧ

**ОЁҚ ОРТОПЕДИК КАСАЛЛИКЛАРИ БИЛАН ОҒРИГАН
БОЛАЛАРДА ОСТЕОПОРОЗНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ**

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Усманов Шухрат Уразалиевич

Оёқ ортопедик касалликлари билан оғриган болаларда остеопорозни
ташхислаш ва даволаш

3

Усманов Шухрат Уразалиевич

Диагностика и лечение остеопороза у детей с ортопедическими
заболеваниями нижних конечностей

21

Usmanov Shukhrat Urazaliyevich

Diagnostics and treatment of osteoporrosis in children with orthopaedic
pathologies of lower limbs

39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

УСМАНОВ ШУХРАТ УРАЗАЛИЕВИЧ

**ОЁҚ ОРТОПЕДИК КАСАЛЛИКЛАРИ БИЛАН ОҒРИГАН
БОЛАЛАРДА ОСТЕОПОРОЗНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ**

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib98 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Джураев Ахрорбек Махмудович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Шотурсунов Шохайдар Шоалиевич, тиббиёт фанлари доктори, профессор Золотова Наталья Николаевна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазирлиги «Г.И. Турнер номли болалар ортопедик илмий-текшириш институти» федерал давлат бюджет муассасаси (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (26-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

А.Х. Бабаджанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.В. Девятов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «дунёнинг турли давлатларида остеопороз (ОП) нинг тарқалиши 29% га етади»¹. Болаларда ОП диққатни ўзига жалб этади ва у «суяк мустаҳкамлигининг асосий таркибий қисмларидан бўлган суяк минерал зичлиги (СМЗ) жадал камайиб боришининг оқибати ҳисобланган» деформациялар ва синишларнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари билан боғлиқ². Айнан шу «мўрт» синишлар, айниқса, сон суяги проксимал қисми, умуртқа поғонаси, билакнинг дистал қисми синишлари, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот учун ҳам, умуман жамият учун ҳам, муаммо бўлиб ҳисобланади»³. Ҳозирги вақтда «болалар ва ўсмирларда суяк тўқимаси минерал зичлиги камайиш омиллари етарлича яхши ўрганилган ва тартиблаштирилган»⁴. Бироқ, болаларда ОП ни клиник баҳолашнинг турли масалалари борасида бахслар давом этмоқда. Организм ўсиши ва ривожланиши фонида СМЗ камайиш механизмлари ва ҳавф омилларини ўрганиш, диагностика усулларини такомиллаштириш, болаларда суяк массаси шаклланиши бузилишларининг профилактикаси ва коррекцияси каби вазифалар ўз ечимини талаб қилади.

Дунё миқёсида умуман тиббиётнинг ҳам, замонавий травматологиянинг ҳам ривожланиши, кўрсатилаётган ихтисослаштирилган ёрдам сифатини яхшилашга интилиш билан тўғридан-тўғри боғлиқдир. Замонавий нур ташхис усуллари асосида остеопения ва ОП ривожланиши ҳавф омилларини аниқлаш муҳим вазифа бўлиб ҳисобланиб, у болаларда оёқ ортопедик касалликларини ташхислаш алгоритмларини оптималлаштириш имконини беради. Бугунги кунда рентгенденситометрия ёрдамида СМЗ ни ўрганиш масалалари энг долзарб бўлиб қолмоқда. Шу жумладан, ОП ва остеопения фонида оёқ ортопедик касалликлари бўлган болаларни комплекс даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш ҳам аҳамиятли ҳисобланади.

Замонавий босқичда, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида, жумладан, сифатли, юқори технологияли травматологик ёрдам кўрсатишда ижобий натижаларга эришилди. Бироқ, тиббий ёрдам сифатини яхшилаш бўйича ўтказилаётган мақсадли чора-тадбирларга қарамай, ўз ечимини қутаётган қатор вазифалар мавжуд. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлар бўйича ҳаракатлар

¹ Болалар травматизми профилактикаси бўйича бутунжаҳон маърузаси. Женева: Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, 2014.

² Capozzi A, Scambia G, Pedicelli A, Evangelista M, Sorge R, Lello S. Clinical management of osteoporotic vertebral fracture treated with percutaneous vertebroplasty. // Clin Cases Miner Bone Metab. 2017 May-Aug;14(2):161-166.

³ Rapún López M, Olmedillas H, Pradas de la Fuente F, Gómez-Cabello A, González-Agüero A, Casajús JA, Vicente-Rodríguez G. Bone metabolism in child and adolescent athletes: a systematic review // Nutr Hosp. 2017 Nov 16;34(5):1469-1481.

⁴ Kutilek S. Denosumab Treatment of Severe Disuse Osteoporosis in a Boy With Spinal Muscular Atrophy. // Acta Med Iran. 2017 Oct;55(10):658-660.

стратегиясида болалар ва аҳолининг бошқа заиф гуруҳларининг тўлақон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган¹. Шунга кўра, оёқ ортопедик касалликлари бўлган болаларда ОП ва остеопениянинг частотаси ва кечиш хусусиятларини ўрганиш ҳамда комплекс ташхислаш ва даволаш усулларни ишлаб чиқиш тадқиқот учун долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 266-сонли «Жамоат соғлиғи ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ва шу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. «Болаларнинг оёқларида моддалар алмашинуви жараёнларининг, айниқса, суяк ва бириктирувчи тўқимада бузилишлари билан боғлиқ бўлган ортопедик касалликларда ОП кўринишлари» ортопедиянинг долзарб муаммоларидан бўлиб қолмоқда (Wood CL² и Pekkinen M³). Сўнгги ўн йилликларда ўтказилган эпидемиологик тадқиқотлар «ОП нинг асосий муаммоси болалик даври билан боғлиқ» эканлигини исботлади⁴. Saraff V⁵ фикрига кўра, «оёқ ортопедик касалликлари бўлган болаларда ОП ни даволашнинг асосий усули консерватив бўлиб, микроэлементлар, витамин D ва унинг фаол метаболитлари, кальцитонин қўллашни ўз ичига олади». Yepes JF⁶ бошчилигидаги тадқиқотчилар кўрсатишича, «ОП ни даволашда модификацияланган ҳавф омилларини аниқлаш ва коррекция қилишдан иборат бўлган патогенетик даво муҳим босқичларидан ҳисобланади». L.Song⁷ L.Song⁷ томонидан оёқ ортопедик касалликлари бўлган беморларда регионар

¹ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

² Wood CL, Ahmed SF. Bone protective agents in children. Arch Dis Child. 2017 Oct 24. pii: archdischild-2016-311820.

³ Pekkinen M, Grigelioniene G, Akin L, Shah K, Karaer K, Kurtoğlu S, Ekbote A, Aycan Z, Sağsak E, Danda S, Åström E, Mäkitie O. Novel mutations in the LRP5 gene in patients with Osteoporosis-pseudoglioma syndrome. // Am J Med Genet A. 2017 Dec;173(12):3132-3135.

⁴ Szmodis M, Zsáki A, Bosnyák E, Protzner A, Trájer E, Farkas A, Szóts G, Tóth M. Reference data for ultrasound bone characteristics in Hungarian children aged 7-19 years. // Ann Hum Biol. 2017 Dec;44(8):704-714.

⁵ Saraff V, Sahota J, Crabtree N, Sakka S, Shaw NJ, Högl W. Efficacy and treatment costs of zoledronate versus pamidronate in paediatric osteoporosis. // Arch Dis Child. 2018 Jan;103(1):92-94.

⁶ Yepes JF. Dental Manifestations of Pediatric Bone Disorders. // Curr Osteoporos Rep. 2017 Dec;15(6):588-592.

⁷ Song L. Calcium and Bone Metabolism Indices. // Adv Clin Chem. 2017;82:1-46. doi: 10.

ОП фониди суяк ҳосил бўлиш хусусиятлари ўрганилди ва «ОП шароитида сон ва болдир суякларининг репарация жараёнлари ОП бўлмаган ҳолатдаги босқичларга мос келиши, бироқ анча секин кечиши» кўрсатилди. К.В. Tallaraka¹ ва ҳаммуал. аниқлашчи, остеогенон билан даволаш фониди «ортопедик амалиётдан кейин олти ой давомида суяк тўқимаси ремоделлашуви тезлашади, чунки суяк изоферменти нордон фосфатаза ва ишкорий фосфатаза фаоллиги, иккинчисининг устунлиги ҳолида, ишончли даражада ортади». Swedish Council on Health Technology Assessment² маърузасига кўра, «консерватив усуллар илғор ўринни эгаллаган махсус даволаш турларини излаш» ОП ни ўрганишнинг замонавий истиқболли йўналиши бўлиб ҳисобланади.

Адабиётларда келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, оёқ ортопедик касалликлари бўлган болаларда ОП ва остеопенияда даволаш-ташхислаш тактикаси бугунги кунда замонавий травматологиянинг долзарб ва охиригача ечимини топмаган муаммоларидан бўлиб қолмоқда. Қониқарсиз натижаларнинг кўплиги, беморнинг ёши, ОП нинг босқичини ҳисобга олган ҳолда даволашнинг оптимал усулини танлашнинг йўқлиги ушбу соҳада изланишларга ундайди. Хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили натижалари ОП сабаблари ва ривожланиш механизмлари тўғрисида тушунчани аниқлаш, ташхислаш ва даволашнинг янги усулларини татбиқ этиш имконини берди. Бироқ, масала ўз якуний ечимини топишдан йироқ, болаларда модда алмашинув жараёнлари тафсилотларини аниқлаш, етакчи этиологик белгини аниқлаш, оптимал даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарур.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг АТСС 7.2. рақамли «Болаларда оёқ шикастланиши ва деформацияларини даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш» (2009-2011 йй.) ва АТСС 7.5. рақамли «ОП фониди оёқ суяклари шикастланиши ва касалликларини ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш» (2015-2017 йй.) илмий-тадқиқот ишлар режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади оёқ ортопедик касалликлари бўлган болаларда остеопороз ва остеопениянинг частотаси ва кечиш хусусиятларини ўрганиш ва уларни комплекс ташхислаш, даволаш ва профилактика усулларини оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

замонавий нур ташхис усуллари асосида ОП ва остеопения ривожланишининг ҳавф омилларини аниқлаш;

¹ Tallaraka KB, Ranganath P, Dalal A. Variable Expressivity and Response to Bisphosphonate Therapy in a Family with Osteoporosis Pseudoglioma Syndrome. // Indian Pediatr. 2017 Aug 15;54(8):681-683.

² Swedish Council on Health Technology Assessment. Osteoporosis – Prevention, Diagnosis and Treatment: A Systematic Review [Internet]. // Stockholm: Swedish Council on Health Technology Assessment (SBU); 2003 Oct 14.

рентгенденситометрияни қўллаган ҳолда оёқ ортопедик касалликлари бўлган болаларда СМЗ ни ўрганиш;

биокимёвий ва нейтрон-фаоллаштирувчи текширув усулларини қўллаган ҳолда оёқ ортопедик касалликлари бўлган болалар қонида, сочида ва тирноғида микроэлементлар нисбатини ўрганиш;

экспериментал тадқиқотлар асосида оёқ ортопедик патологияларида ОП ва остеопениянинг шаклланиш ва кечиш хусусиятларини аниқлаш;

osteopenia ва ОП фонида оёқ ортопедик касалликлари бўлган болаларни ташхислаш ва комплекс даволаш алгоритмларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг болалар ортопедияси бўлимида остеопения ва ОП фонида оёқ ортопедик касалликлари билан даволанган 4-16 ёшдаги 302 нафар болалар ҳамда тўқималари экспериментал-морфологик ўрганилган лаборатор жониворлар (90 та вояга етмаган оқ наслсиз каламушлар) олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб остеопения ва ОП фонида оёқ ортопедик касалликлари бўйича консерватив ва оператив даволанган болалардаги клиник, рентгенденситометрик ва бошқа нур ташхис ҳамда жониворлар тўқималарини экспериментал-морфологик ўрганиш натижалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ечиш учун рентгенологик, экспериментал, морфологик, нейтрон-фаоллаштирувчи, рентген-денситометрик ва статистик усуллардан фойдаланилди. Сочларнинг нейтрон-фаоллаштирувчи таҳлили ЎзР ФА Ядро физикаси ИТИ қошидаги «Нейтрон-фаоллаштирувчи таҳлил» бўлими базасида ўтказилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

туғма ва орттирилган ортопедик касалликларнинг суяк асоратлари бўйича амалиётлардан сўнг қўлланилувчи оёқлар иммобилизацияси учун мослама ишлаб чиқилган;

болаларнинг ёши ва жинсига боғлиқ равишда оёқлар ОП билан касалланиш частотаси ўрганилган ҳамда туғма ва орттирилган ортопедик касалликларда суяк асоратларининг ривожланиш эҳтимоллиги аниқланган;

суяк асоратлари шаклланишининг етакчи ҳавф омиллари ва патогенетик механизмлари, клиник шакллари ва уларнинг кечиш хусусиятлари аниқланган, шулар асосида ОП профилактикаси ва коррекциясининг оптимал тактикалари ишлаб чиқилган;

оёқ ортопедик касалликлари бўлган болаларда кальций-фосфор алмашинуви ҳолати ўрганилган ва суяк тўқимаси минерал зичлиги баҳоланган;

болаларда оёқ ортопедик патологиясини ҳисобга олган ҳолда ОП нинг ишчи таснифи ишлаб чиқилган;

экспериментал текширувда кальцийдокс-антидиатезин препарати таъсирида постиммобилизацион ОП да суяк тўқимаси регенерациясининг муддатлари белгиланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иммобилизация учун ишлаб чиқилган мослама қўлланганида оёқларни адекват фиксациясига эришилган ва амалиётдан кейин болалар эрта фаоллаштирилган;

болаларда ОП ни ташхислаш учун таклиф этилган ёндашувлар ёрдамида ортопедик патологияни даволашнинг оптимал тактикаси танланган;

ишлаб чиқилган кальций-фосфор алмашинуви кўрсаткичлари, суяк ремоделлашуви ва минерал алмашинув маркерларини динамик баҳолаш усули ёрдамида суяк асоратлари оғирлиги ва шаклланиш суръатлари аниқланган;

суяк тўқимаси минерал зичлиги даражаси камайган болалар ва ўсмирларда икки энергетик абсорбциометрия ёрдамида остеопения ва ОП ривожланиши эҳтимоллиги бўлган ҳавф гуруҳлари аниқланган;

болаларда оёқ ортопедик касалликлари асоратлари профилактикаси ва даволашда маҳаллий кальцийдокс-антидиатезин препаратини қўлланганида суяк тўқимаси регенерацияси жараёнлари яхшилانган ва амалиётдан кейинги даврда бирламчи суяк қадоғи ҳосил бўлиши тезлашган;

ОП ни эрта ташхислаш ва даволашнинг ишлаб чиқилган дастури ёрдамида туғма патология касалликнинг орттирилган шаклларида фарқланган ва болаларда ушбу патологиянинг кечиш хусусиятларига боғлиқ равишда коррекция усулини танлаш оптималлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланган замонавий, амалиётда кенг қўлланувчи клиник, экспериментал, морфологик, статистик усуллар билан тасдиқланган. Олинган барча натижа ва хулосалар далилий тиббиёт принципларига асосланган. Статистик ишлов бериш олинган натижаларнинг ишончлилигини тасдиқлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган хулосалар ва таклифлар назарий аҳамият касб этиб, оёқ ортопедик касалликлари бўлган болалар диагностикаси ва даволаш хусусиятларини ўрганишга сезиларли ҳисса қўшишидан иборат. Асоратлар ривожланиш ҳавфи омилларини аниқлаш асосида болалар ва ўсмирларда асоратлар профилактикаси ва коррекциясининг кўп босқичли схемаси ишлаб чиқилди. Тадқиқотнинг айрим натижалари оёқ ортопедик касалликлари бўлган болаларда ОП ва остеопения патогенези, клиникаси, диагностикаси ва даволашга бағишланган мавзулар бўйича курсантларни ўқитиш дастурининг таркиби ва структурасини такомиллаштириш имконини беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти СМЗ камайган болалар ва ўсмирлар учун ишлаб чиқилган ва клиник амалиётга татбиқ этилган икки энергетик абсорбциометрия усули остеопения ва ОП ривожланиши борасида болаларнинг ҳавф гуруҳларини аниқлаш, даволаш самарадорлигини ошириш, меҳнат ва ижтимоий чекланишлар частотасини камайтириш имконини беришидан иборат. Оёқ ортопедик касалликлари бўлган болаларда ОП ни комплекс даволаш ва профилактикасининг ишлаб чиқилган усуллари ва

алгоритми эрта ташхислаш сифатини яхшилаш ва даволаш усулини танлашни оптималлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оёқ ортопедик касалликлари бўлган болаларда ОП ва остеопенияни даволаш натижаларини яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ишлаб чиқилган «Оёқлар иммобилизацияси учун мосламаси»га Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патенти олинган (2017 йил, FAP 01225). Таклиф этилган мосламани туғма ва орттирилган ортопедик касалликларнинг суяк асоратлари бўйича қўллаш оёқлар адекват фиксациясига эришиш ва болаларни эрта фаоллаштириш имконини берган;

оёқлар туғма ва орттирилган ортопедик касалликлари бўлган болаларда ОП нинг ишлаб чиқилган ташхислаш мезонлари ва консерватив даволаш ва профилактика усуллари, шунингдек, вальгус деформациялари ва суяк тўқимаси минерал зичлиги камайганида тактикани танлаш алгоритми услубий қўлланмалар шаклида соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 9 ноябрдаги 8н-д/47-сон маълумотномаси). Таклиф этилган даволаш-профилактика чора-тадбирлари мажмуаси асоратлар частотасини қисқартириш, ушбу беморлар гуруҳини даволаш ва реабилитациясига ҳаражатларни камайтириш имконини берган;

оёқ ортопедик касалликлари бўлган болаларда ОП ва остеопенияни даволаш натижаларини яхшилаш бўйича бажарилган диссертация ишининг олинган илмий натижалари соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг «Болалар ортопедияси» бўлими, Республика болалар ортопедия маркази, Бухоро ва Хоразм вилоят кўп тармоқли касалхоналари амалий фаолиятига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 15 ноябрдаги 8н-д/56-сон маълумотномаси) татбиқ этилган. Оёқ ортопедик касалликлари бўлган болаларда ОП ва остеопенияни ташхислаш ва даволашга таклиф этилган комплекс ёндашувнинг қўлланиши даволашнинг «яхши» натижалар частотасини 29,3% дан 72,6% гача яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан, 8 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, 8 та мақола, улардан 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтити боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва унга бўлган юқори талаб асосланган, изланишнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши келтирилган, муҳокамадан ўтказиш ва илмий иш натижаларининг нашр қилинганлиги ҳамда диссертациянинг қисқа тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда остеопения ва остеопороз муаммоси тўғрисида замонавий тушунча ва унинг ҳолати**», деб номланган биринчи бобида болаларда ОП нинг шаклланиши ва патогенезини ўрганишга бағишланган адабиётларнинг таҳлили келтирилган бўлиб, унинг оёқ ортопедик касалликларидаги аҳамияти кўрсатилган, ОП нинг классификацияси келтирилган, диагностика, консерватив даволаш, комплекс даволашдан сўнг ўтказиладиган профилактика усуллари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Материалнинг клиник тавсифи ва қўлланган текширув усуллари**», деб номланган иккинчи бобида материал ва услубларнинг клиник тавсифи келтирилган. Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг «Болалар ортопедияси» бўлимида 2014-2016 йилларда СМЗ камайиши билан оёқ ортопедик касалликлари бўйича консерватив ва оператив даволанган 302 та болаларнинг клиник, инструментал, лаборатор текширувлар ва даволаш чора-тадбирлари натижаларига тегишли материалдан фойдаланилган.

Барча болалар консерватив ва оператив даволанган асосий ($n=266$) ва анъанавий усулларда даволанган назорат ($n=36$) гуруҳларига бўлинган. 2 дан 16 ёшгача бўлган барча беморларда ОП ўзгаришлари кузатилди (114 нафар ўғил ва 187 нафар қиз болалар). Болаларнинг ўртача ёши $8,87 \pm 4,05$ ни ташкил қилди. ОП қиз болаларда (55%), 3 та ёш гуруҳларида (1-11 ёш) кўпроқ учради, бу эса, тез ўсиш даври ва ушбу жинсда ортопедик патологиянинг учраш частотаси билан тушунтирилади.

Болаларда ОП классификация (А.П. Крисъ-Пугач, Т.А. Кинчая-Полишук, О.Г. Гайко, 2002) асосида, оёқ ортопедик патологиясининг локализациясини ҳисобга олган ҳолда, ишчи классификация ишлаб чиқилди.

Оёқлар ортопедик касалликларида ОП нинг ишчи классификацияси:

Этиологик омилларга кўра ОП: туғма, орттирилган;

1. Туғма ортопедик касалликларда туғма ОП:

етилмаган остеогенез (ЕО);

2. Оёқ туғма ортопедик касалликларида орттирилган ОП: соннинг туғма чиқиши (СТЧ); артрогрипоз (АГ);

3. Оёқ орттирилган ОП ва ортопедик касалликлари: оёқлар рахитли деформацияси (Х, О); Лег-Кальве-Пертес касаллиги (ЛКПК); соннинг патологик чиқиши (СПЧ).

ОП нинг тарқоқлиги бўйича: локал;

ОП да суяк структураси ўзгаришининг тавсифига кўра: ўчоқли.

Тадқиқот давомида беморларда оёқ туғма ортопедик патологияси устунлиги – 191 (63,2%), ва бу устунлик, асосан, СТЧ ҳисобига – 143 (74,9%) ва эканлиги аниқланди (1- ва 2-жадваллар).

1-жадвал

Оёқлар туғма ортопедик патологияси бўлган болаларда остеопороз частотаси

Патология	Жами: 191 (63,2%)	
	Ўғил болалар	Қиз болалар
Соннинг туғма чиқиши	33 (17,3%)	110 (57,6%)
Етилмаган остеогенез*	15 (7,8%)	17 (8,9%)
Артрогрипоз	13 (6,8%)	3 (1,6%)
Жами: %	61 (31,9%)	130 (68,1%)

Илова: *Бу патология КХТ-10 га биноан туғма остеопорозга киритилган.

2-жадвал

Оёқлар орттирилган ортопедик патологияси бўлган болаларда остеопороз частотаси

Патология	Жами: 111 та (36,8%)	
	Ўғил болалар	Қиз болалар
Рахитик оёқлар варусли деформацияси	8 (7,2%)	18 (16,2%)
Рахитик оёқлар вальгусли деформацияси	18 (16,2%)	10 (9,0%)
Лег-Кальве-Пертес касаллиги	17 (15,3%)	11 (9,9%)
Соннинг патологик чиқиши	14 (12,6)	15 (13,5%)
Жами: %	57 (51,4%)	54 (48,6%)

Юқорида келтирилган маълумотларга кўра, туғма ОП 32 нафар, яъни 10,6% болаларда учради.

Касалхона ва касалхонадан кейинги даврларда СМЗ ни коррекция қилиш мақсадида кальций, магний, темир, рух, фосфор ва витамин Д3 ларни сақлаган витамин-минерал комплексдан ташкил топган кальцийдокс-антидиатезин дри воситаси қўлланди. Препарат 1-3 ёшгача бўлган болаларга 400 мг (1 табл.) дан кунига 2 маҳал, овқатланиш вақтига боғлиқ бўлмаган ҳолда сув, шарбат ёки сут билан ичиш тавсия қилинди. 3-12 ёшгача болаларга 400мг (1 табл.) дан кунига 3 маҳал, 12-18 ёшгача бўлган болаларга 800 мг (2 табл.) дан кунига 2 маҳал тавсия қилинди.

Юқоридаги тавсиялар билан бир қаторда физиотерапевтик муолажалар (паст частотали магнит терапия, нейростимуляция, гальванизация, УЮЧ-терапия, адрено- ва ганглиоблокаторлар, кальций ионлари, аскорбин

кислотаси билан электрофорез), даволовчи жисмний тарбия ва укалаш ўтказилди.

Рентгенологик текширувлар Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг рентген ташхис бўлимида рақамли Flexavision Shimadzu (Япония) рентген аппаратида барча беморларга стандарт проекцияларда бажарилди.

Бу текширувлар билан бир қаторда, 4-16 ёшли болаларда икки энергетик рентген денситометрия (DXA) усули қўлланилди. Текширувга тўғри проекцияда умуртқа поғонасини бел қисми ва «бутун тана» дастурида СМЗ текширилди. Суяк массаси камайиши ҳақидаги хулоса ёшга доир меъёрга нисбатан таққослаб, Z- мезони асосида ўтказилди.


Диссертациянинг «**Оёқ ортопедик касалликлари бўлган болаларда остеопорозни хусусий текшириш усуллари**нинг натижалари», деб номланган учинчи бобида клиник-инструментал текширувлар натижаларининг таҳлили ва уларни баҳолаш баён қилинган. Оёқ ортопедик касалликлари вужудга келишининг болалар томонидан хавф омилларига қуйидагилар киритилди: аёл жинси (62% қиз болалар ва 38% ўғил болалар), она қорнида ҳомила ривожланишининг ушланиб қолиши ва чала туғилиш деярли бир хил (22% дан), кесар кесиш усулида туғдириш (11%) ва бола думбасининг олдин келиши (15%). Алиментар боғлиқ бўлган касалликлар (анемия, гипотрофия) 85% беморларда аниқланди. Оёқ туғма ва орттирилган ортопедик патологияси бўлган болаларнинг 92% ида анемия аниқланиб, улар коморбид соматик патология борлиги бўйича хавф гуруҳларига киритилиб, комплекс текшириш ва даволашга муҳтож.

Сочларнинг нейтрон-фаоллаштирувчи таҳлили натижалари шуни кўрсатдики, оёқларда ОП бўлган 1-2 ёшли болаларда бром, мис, темир, марганец ва скандий миқдори кўп, кальций, селен ва рух миқдорлари эса кам. 2-3 ёшли болаларда шартли соғлом бўлган тенгдошларига нисбатан хлор, кобальт, марганец, натрий, темир ва скандий миқдорлари кўп эди. Шу билан бир вақтда, кумуш, олтин, кальций, селен ва рух миқдори камайган бўлиб, шу сабабли, ортопедик патологияси бўлган болаларда микроэлементлар таркибининг бузилиши кальцийдокс-антидиатезин препарати ёрдамида коррекцияни талаб қилади.


Ўғил болаларда жисмоний фаоллик даражаси ва овқат билан бирга кальций истеъмол қилиш ўртасида кучсиз корреляцион боғлиқлик, қиз болаларда эса ёш ва менархе келиши ўртасида манфий корреляцион боғлиқлик аниқланди. Ўсмир қизларда динамикада умуртқа бел соҳасида СМЗ нинг статистик аҳамиятли камайиши кузатилди ($1,065 \pm 0,113$ г/см²) (1, 2, 3-расмлар).

Кальцидокс-антидиатезинни қўллаган ҳолда коррекциядан бир йил ўтгач, ўғил болалар бўй кўрсаткичи – 174 (171-179) см ва тана вазни – 60 (56-65) кг ни ташкил этиб, қиз болаларни ортда қолдирди – 165 (160-170) см ва 54 (50-59) кг. СМЗ кўрсаткичлари $1,042 \pm 0,142$ г/см² ни ташкил қилди ва қиз болалардаги кўрсаткичлардан биров паст эди $1,065 \pm 0,113$ г/см² (статистик

аҳамиятсиз фарк), лекин суяк минералининг миқдори анча баланд эди – $43,78 \pm 9,99$ г ва $40,82 \pm 6,91$ г.




1-расм. 4-16 ёшли иккала жиндаги болаларда суяк минерал зичлигининг камайиши (меъёрий кўрсаткичларни эътиборга олиб)



2-расм. Остеопорозни даволашдан кейин болаларнинг ёши бўйича суякнинг минерал зичлигининг кўрсаткичлари (%)

Туғма ОП ва оёқ туғма касалликларида СМЗ (Z –score) нинг мустақил структур-функционал ёшга нисбатан $-3,0$ (от $-3,0$ до $-3,8$ SD) дан ортик сигмал оғиши аниқланди ва BMD нинг ($0,373 \pm 0,07$ г/см²) $2,8$ марта камайиши ($N=0,863-0,933$ г/см²) аниқланди. Орттирилган ОП да ва оёқ туғма касалликларида умуртқа бел соҳаси (L1–L4) СМЗ (Z –score) $-2,8-3,0$ SD гача камайганлиги аниқланди (3-расм).



3-расм. 4-16 ёшли иккала жиндаги болаларда ва патологиялар бирга келганида СМЗ камайиш частотаси (даволашдан олдин ва кейин)

Биокимёвий таҳлилилар фосфор-кальций алмашинуви даражасининг сезиларли камайишини кўрсатди, бунда қон зардобидаги кальций $2,05 \pm 0,17$ ммоль/л гача, фосфор – $0,85 \pm 0,08$ ммоль/л гача камайиб, ишқорий фосфатаза $476,7 \pm 87,9$ ТБ/л гача кўпайган (3-жадвал).

3-жадвал

Оёқ ортопедик касалликлари бўлган болаларда ОП нинг дастлабки лаборатор кўрсаткичлари (M±m)

Кўрсаткич	Меъёрий кўрсаткичлар (BurtisA. et all, 2008)	Туғма патология (n=191)	Орттирилган патология (n=111)
Ишқорий фосфатаза (ТБ/л)	54-369	$466,07 \pm 81,76^*$	$412,36 \pm 177,3^{**}$
Кальций (моль/л)	2,5-2,87	$2,09 \pm 0,15$	$2,07 \pm 0,17^*$
Магний (моль/л)	0,71-0,86	$0,88 \pm 0,05^{**}$	$0,88 \pm 0,13^*$
Фосфор (моль/л)	1,29-2,26	$1,71 \pm 0,79^*$	$1,8 \pm 0,29^*$
Betta-crossLabs, нг/мл	0,01-6	$2,37 \pm 0,14^*$	$2,38 \pm 0,12^*$
Витамин D (нг/мл)	30-100	$29,20 \pm 4,7^{**}$	$30,39 \pm 4,92^*$
Остеокальцин (нг/мл)	33- 336	$150,63 \pm 21,6^*$	$160,52 \pm 19,38^*$

Илова: * $p < 0,001$, ** $p < 0,05$.

Диссертациянинг «Оёқ остеопорози кечиши хусусиятларини экспериментал текшириш», деб номланган тўртинчи бобида морфологик ва гистологик текширув натижалари намойиш этилган. Имобилизацион ОП ни моделлаш мақсадида $120,3 \pm 14,8$ г вазни 90 та жинсий этилмаган оқ наслсиз каламушларда эксперимент ўтказилди. Морфологик текширувлар учун экспериментлар 2 серияда ўтказилди: 1-серия – бир (ўнг) оёқ проксимал эпиметафизининг ампутациясидан сўнг гипс боғламли фиксация (64 та каламуш: бир кузатув муддатига 8 та жонивор) йўли билан имобилизацион ОП ни моделлаш ва кейинчалик кальцийдокс-антидатецинни 25 мг/г дан оғиз орқали бериб даволаш; 2-серия – бир (ўнг) оёқ проксимал эпиметафизининг ампутациясидан сўнг гипс боғламли фиксация (24 та каламуш: бир кузатув муддатига 3 та жонивор) йўли билан имобилизацион ОП ни моделлаш ва кейинчалик кальцийдокс-антидатецин билан даволамаслик. Остеобластлар сонини баҳолаш учун регенерат остеоген потенциалининг қиёсий таҳлили учун морфологик текширувлар ўтказилди (30-, 60-, 90-, 120-, 150-, 180-, 210-кунларда сон суяги ампутация қилинган сатхидан юқорирокда). Кальцийдокс-антидатецинни қўллаб ўтказилган экспериментал морфологик тадқиқот имобилизация шароитида хужайралар пролиферациясининг ва кам дифференциаллашган хужайралар дифференциаллашувининг кучайиши, остеобластлар ҳосил бўлишининг кўпайиши ва улар функциясининг фаоллашувидан далолат беради.

Диссертациянинг «Остеопороз ва оёқ туғма ортопедик касалликларини даволаш», деб номланган бешинчи боби остеопорознинг туғма шакллари даволашга бағишланган. Барча болалардан 106 тасида

(35,1%) оператив амалиётлар бажарилди (4-жадвал), 196 та (64,9%) бола эса консерватив даволанди.

4-жадвал

Оёқлар ортопедик касалликлари бўлган болаларда ОП ни даволаш

№	Нозология	Даволаш				Жами	
		консерватив		оператив		абс	%
		абс	%	абс	%		
1	Артрогрипоз	11	3,6	5	1,7	16	5,3
2	Соннинг туғма чиқиши	81	26,8	62	20,5	143	47,3
3	Рахитик (О) деформация	22	7,3	4	1,3	26	8,6
4	Рахитик (Х) деформация	11	3,6	17	5,6	28	9,3
5	Соннинг патологик чиқиши	20	6,6	9	3,0	29	9,6
6	Сон суяги бошчаси асептик некрози	24	7,9	4	1,3	28	9,3
7	Етилмаган остеогенез	27	8,9	5	1,7	32	10,6
Жами: абс., %		196	64,9	106	35,1	302	100

3 дан 8 гача ёшда даволаниш учун мурожаат қилган 32 та (10,6%) беморда етилмаган остеогенез туғма ОП нинг асосий сабаби эди. Бу каслик скрининг марказлар ва комплекс текширувлар ёрдамида генетик шифокор томонидан тасдиқланди.

Туғма ОП хавф омиллари алоҳида ўрганилганида, болаларда (98,3%) куйидагилар аниқланди: наслий-оилавий, антенатал ва перинатал даврдаги патологиялар. Туғма остеогенезда энг кўп учраган шикоятлар: оёқ ва баъзида кўл суяklarининг тез-тез синиши, уларнинг нотўғри битиши туфайли калталаниб ёки қийшайиб қолиши, ўсиш ва ривожланишда ортда қолиш, гипотрофия, юрганда оёқлардаги оғрик, баъзида – эшитишнинг бироз пасайиши. Клиник кўрикда беморларнинг қарийб ярмида мовий склералар ва қахрабо тишлар кузатилади. Кўлларда ҳаракатлар чекланмаган, лекин, кўпинча, бўғинларда гипермобиллик аниқланган. Оёқлар, айниқса, сон суяги, ўқи аввалги бир неча бор синишлар ва нотўғри битишлар ҳисобига қийшайган. Оёқларда эса ташқи ротация, чаноқ-сон ва тизза бўғинларида гипермобиллик ҳолати кузатилган. Узун найсимон суяklarни рентгенологик текшириш натижаларига кўра, суяк структуралари шаффофлигининг сезиларли ортиши ва кортикал қаватнинг юпқалашиб, яққол ажралиб туриши кузатилди. Сон суяklarининг ўқи ёйсимон қийшайган. Рентгенденситометрия ёрдамида СМЗ (Z –score) нинг мустақил структур-функционал ёшга нисбатан -3,0 (от -3,0 до -3,8 SD) дан ортиқ сигмал оғиши аниқланди ва BMD нинг ($0,373 \pm 0,07$ г/см²) 2,8 марта камайиши (N=0,863-0,933 г/см²) аниқланди.

Биокимёвий таҳлиллар фосфор-кальций алмашинуви даражасининг сезиларли камайишини кўрсатди, бунда кон зардобиддаги кальций $2,02 \pm 0,19$ ммоль/л гача, фосфор – $0,90 \pm 0,05$ ммоль/л гача, магний – $0,87 \pm 0,07$ ммоль/л гача, витамин D – $20,4 \pm 1,6$ ммоль/л гача, остеокальцин – $31,9 \pm 7,18$ нг/мл гача камайиб, ишқорий фосфатаза $543,2 \pm 102,3$ ТБ/л гача кўпайган. 3 ёшгача даврда оёқлар деформациясида босқичли коррекцияловчи гипсли боғламлар

кўринишидаги ортопедик даволаш усуллари қўлланди. Каттароқ ёшда деформациялар бўлганида эса, оператив коррекция қўлланди – 5 (15,6%). Асосий усуллар: остеотомия – суякни атайлаб кесиш ва унинг деформацияланган соҳаларини бартараф қилиш; интрамедулляр ёки суяк усти остеосинтези. Етилмаган остеогенезни даволаш коллагенни ишлаб чиқилишини кучайтиришга қаратилади. Схема қуйидагилар қўшилади: кальцийдокс-антидиатезин, соматотропин, физиотерапевтик даволаш, даволовчи жисмоний тарбия, укалалаш.

Диссертациянинг «**Орттирилган остеопорози ва оёқлар орттирилган ортопедик касалликларини даволаш**», деб номланган олтинчи боби орттирилган ортопедик касалликларда ОП ни даволашга қаратилган. Оёқлар туғма ортопедик касалликлари 159 та (52,6%) болада аниқланди. Тадқиқот мобайнида болаларнинг 2 гуруҳи ўрганилди: 1-гуруҳ – соннинг туғма чиқиши билан 143 та (89,9%) ва 2-гуруҳ – артрогрипоз билан 16 та (10,1%) болалар.

